

Ўзбекистон оториноларингология  
ва бош-бўйин жарроҳлиги  
ассоциацияси ташабускорларининг  
2022 йил 26 сентябрдаги  
таъсис конференциясининг  
1-сон баёни билан  
**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**Ўзбекистон оториноларингология  
ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциацияси  
У С Т А В И**

## I. Умумий қоидалар

1.1. Ўзбекистон оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциацияси (кейинги ўринларда – Ташкилот деб юритилади) аҳоли соғлигини саклаш ва мустаҳкамлаш мақсадида тиббиёт амалиётини ва илмини ривожлантиришга кўмаклашиш, мамлакатимиз аҳолисига дунё стандартларига жавоб берадиган малакали оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги хизматини қўрсатиш тизимини яратиш, Республикада ушбу соҳа мутахасислиги бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишда ўз хиссасини қўшиш мақсадида ташкил этилган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, унинг ташкилий-хукукий шакли жамоат бирлашмасидир.

1.2. Ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда бошқа норматив-ҳукукий ҳужжатлар, шунингдек мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.3. Ташкилот фаолияти ихтиёрийлик, тенг ҳукуқлилик, қонунийлик ва ошкоралик тамойилларига асосланади.

1.4. Ташкилот фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз аъзолари ўртасида тақсимламайдиган юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолият мақсадларига эришиш учун Ташкилот бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиши, мулкий ва шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўлиши ҳамда судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

1.5. Ташкилот ўз номига, муҳр ва штампларига ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган рамзига, тегишли банкда миллий ва валюта ҳисоб ракамларига ҳамда бошқа ўз фаолиятига зарур бўлган атрибутига ва реквизитларга эга бўлиш ҳукуқига эга.

1.6. Ташкилот ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси худудида амалга оширади.

1.7. Ташкилотнинг фаолият муддати чекланмаган.

1.8. Ташкилотнинг тўлиқ номи:

давлат тилида:

Ўзбекистон оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги ассоциацияси;

рус тилида:

Ассоциация Узбекистана оториноларингологии и хирургии головы и шеи;

инглиз тилида:

Otorhinolaryngology and head and neck surgery association of Uzbekistan.

1.9. Ташкилотнинг доимий асосда фаолият юритувчи раҳбар орган жойлашган ер (почта манзили): 100107, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 119<sup>A</sup>-уй.

1.10. Ташкилотнинг раҳбар органи жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳакда уни рўйхатдан ўтказган органга хабар беради.

## **II. Ташкилотнинг мақсад ва вазифалари**

2.1. Ташкилот фаолиятининг асосий мақсади аҳоли соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида тиббиёт амалиётини ва илмини ривожлантиришга кўмаклашиш, мамлакатимиз аҳолисига дунё стандартларига жавоб берадиган малакали оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги хизматини қўрсатиш тизимини яратиш, Республикада ушбу соҳа мутахасислиги бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-амалий тадқиқотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини кўшишдан иборат.

2.2. Ташкилот вазифалари кўйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

республикада оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги хизматини шаклантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги хизматни шаклантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифларни амалга оширишда соғлиқни сақлаш соҳсидаги ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш;

оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги касалликларини аниқлаш ва даволаш, оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги стандартларини такомиллаштириш ва амалиетга тадбиқ этиш;

оториноларингология шифокорлар ва бош-бўйин жарроҳларининг профессионал билимларини ошириш мақсадида оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлигининг долзарб масалалари бўйича конференция, “мастер-класс”, маъruzалар, семинарларни ташкил қилиш;

чет эл давлатларининг тиббиёт соҳасидаги ташкилотлари ва етук мутахасислари билан алоқа ўрнатиш ва тажриба алмашиш жараёнларини ташкил қилиш;

республикамиздаги тиббиёт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

тиббиётнинг оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги соҳасидаги амалга оширилган ютукларни тарғибот қилиш, уларни илмий-оммабоп оммавий ахборт воситаларида кенг ёритиб бориш;

тиббиёт олий ўкув юртларида ва шифокорларни дипломдан кейинги таълим масканларида оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги фанини ўқитиш бўйича дастур ва режаларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлиги соҳасида ўтказилаётган илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва ташкил қилишида иштирок этиш;

оториноларингология ва бош-бўйин жарроҳлигидаги юқори технологик даволаш усулларини амалиётга тадбиқ этишида фаол қатнашиш;

соҳанинг замонавий илмларини тиббий журналларда доим ёритиб бориш, китоблар, услубий қўлланмалар нашр қилиш;

давлат ва нодавлат тиббиёт муассасалари ва мутахассисларининг ягона тиббий ёрдам қўрсатиш стандартларига риоя килиш тартибларини ишлаб чиқишида ва амалда қўллашда фаол иштирок этиш.

шифокорларнинг иқтисодий ва хуқукий масалалар бўйича савиясини оширишида кўмаклашиш.

2.3. Ташкилот Устав фаолиятини бажариш мақсадида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

### **III. Ташкилотнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Ташкилот қўйидаги хуқукларга эга:**

ўз аъзолари ва иштирокчиларининг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташабbusлар билан чиқиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишида қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти ҳақида ОАВ орқали ахборот тарқатиш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун белгиланган тартибда тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш, биноларни, шунингдек, кўчмас мулкни қуриш, сотиб олиш, уларни тасарруф қилиш, ижарага олиш ва бериш, ўз фаолиятида бинолардан, автотранспортдан ва механизмлардан фойдаланиш;

белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

ўз фаолияти масалалари бўйича йиғилишлар, конференциялар ўтказиш; ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

### 3.2. Ташкилотнинг мажбуриятлари:

конун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатларига риоя этиш;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиши, шу жумладан молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

рўйхатдан ўтказувчи органни ўтказиши режалаштирилаётган тадбирлари хақида олдиндан хабардор қилиш ҳамда ўтказаётган тадбирларига рўйхатдан ўтказувчи орган вакилни эркин кириш имконини бериш;

Ташкилот вакилларининг чет мамлакатларга Ташкилот фаолияти билан боғлиқ ташрифлари уюштирилиши хақида рўйхатдан ўтказувчи органни хабардор килиш;

чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларида, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан

пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиб олиш;

ўз фаолияти юзасидан унинг аъзоларига ва жамоатчиликка ахборот тақдим қилиб бориш;

рўйхатдан ўтказувчи органга, давлат солик хизмати органларига ва давлат статистикаси органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибида ҳисоботлар тақдим этиш;

конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

## **IV. Ташкилот аъзолари, унга аъзо бўлиш, аъзоликдан чиқариш шартлари ва тартиби ҳамда аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

4.1. Ташкилот аъзолигига, уларнинг ёзма ёки электрон шаклдаги мурожаатлари асосида 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Бошқарув қарори асосида қабул қилинади.

Барча аъзоларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тенг равища химоя қилинади.

4.2. Ташкилот аъзолигидан аъзоларнинг ёзма аризасига асосан ихтиёрий равища чиқариш Бошқарув қарори асосида амалга оширилади.

Аъзолик бадалларини мунтазам тўламаган ҳамда мазкур устав коидаларини қўпол равища бузганда Бошқарув қарорига асосан аъзоликдан чиқарилади.

Аъзоликдан чиқканда тўланган кириш ва аъзолик бадаллари қайтарилмайди ҳамда Ташкилот томонидан бериладиган моддий, молиявий ва бошқа кўмаклар тўхтатилади.

- 4.3. Ташкилот аъзолари қуйидаги ҳукуқларга эга:
- Ташкилот аъзолигига кириш ва аъзоликдан чиқиш;
- мазкур уставга мувоғиқ Ташкилотни бошқаришда иштирок этиш;
- Ташкилот раҳбар органлари ва бошқарув органлари таркибиға сайлаш за сайданиш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида ўз фаолиятига доир масалалар кўриб чиқилишида Ташкилот кўмагидан фойдаланиш;
- Ташкилот фаолияти ҳақида ахборот олиш;
- Ташкилот томонидан ташкил этилган турли тадбирларда (семинарлар, конференциялар, ўқув лагерлари, хорижий сафарлар, кўргазмалар, акциялар ва бошқаларда) иштирок этиш;
- хорижий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш ҳамда улар фаолияти тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилишда Ташкилот кўмагидан фойдаланиш;
- Ташкилотнинг ахборот ҳамда моддий-техника базасидан фойдаланиш.
- 4.4. Ташкилот аъзоларининг мажбуриятлари:
- Ташкилот уставига риоя этиш;
- Ташкилот раҳбар ва бошқарув органлари қарорларини ижро этиш;
- аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаш.

## **V. Ташкилот раҳбар органлари ва уларни шакллантириш тартиби**

- 5.1. Ташкилотнинг раҳбар органлари қуйидагилар:
- Конференция – олий раҳбар органи;
- Бошқарув – Конференциялар оралигидаги бошқарув органи;
- Бошқарув раиси – Ташкилот раҳбари (Бошқарув раиси бир вақтнинг ўзида Бошқарувга раҳбарлик қиласи);
- Назорат-тафтиш комиссияси – молия-хўжалик ҳамда устав фаолияти устидан назорат қилувчи орган.
- 5.2. Конференция ҳамда Бошқарув йиғилишларида аъзо ва (ёки) делегатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этганда кворум мавжуд бўлади.
- Конференция ҳамда Бошқарув қарорлари иштирокчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.
- 5.3. Конференция Ташкилотнинг олий раҳбар органи ҳисобланиб, унинг йиғилишлари бир йилда камида бир маротаба Бошқарув ташабbusи билан ўтказилади.
- Конференцияни ўтказиш ташабbusи билан чиққан раҳбар орган ҳудудий ҳамда Республика навбатдаги Конференция иштирокчиларини,

унинг ўтказиш вакти, жойи ва кун тартибини камидан 15 кун олдин эълон қилади ҳамда Конференцияни ўтказиш бўйича Ташкилот аъзолари ва (ёки) делегатлардан шакллантиради.

Навбатдан ташқари Конференция Бошқарув томонидан чақирилади ҳамда кун тартиби белгиланиб, камидан 7 кун олдин эълон қилинади.

Навбатдан ташқари Конференцияда қатнашиш хуқуки олдинги Конференцияга сайланган делегатларда сақланиб қолинади.

#### 5.4. Конференция:

Ташкилот фаолиятининг истиқболли йўналишларини ҳамда устав мақсад ва вазифаларини амалга оширилишининг узоқ муддатли дастурларини тасдиқлайди;

Ташкилот фаолиятининг устивор йўналишларини белгилайди;

Ташкилот фаолияти устидан умумий назоратни амалга оширади;

Ташкилотни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатишга доир қарорлар қабул қиласи;


Ташкилот уставини тасдиқлайди, унга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритади;

Бошқарувни 5 кишидан кам бўлмаган таркибда – (Бошқарув раиси, ўринбосарлари ва ижрочи директор) ҳамда аъзоларини 5 йил муддатга сайлайди, лавозимидан озод қиласи;

Ташкилотнинг молия-хўжалик ҳамда устав фаолияти устидан назорат килиш мақсадида Назорат-тафтиш комиссиясини 3 кишидан иборат таркибда 5 йил муддатга сайлайди ва лавозимидан озод қиласи;

Бошқарув ва Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисботларини эшитади ва хulosасини тасдиқлайди.

Конференция қонунга зид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга.

  
5.5. Бошқарув – Конференциялар оралиғидаги бошқарув органи бўлиб, унинг йиғилишлари бир йилда камидан икки марта ўтказилади.

Бошқарув 5 кишидан кам бўлмаган таркибда (Бошқарув раиси, ўринбосарлари ва ижрочи директор) ташкил топади.

Бошқарув йиғилишлари Бошқарув раиси томонидан чақирилади.

Бошқарув раиси Бошқарув йиғилишларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлайди.

#### 5.6. Бошқарув қуйидаги ваколатларга эга:

Конференция қарорлари ижросини ташкил этиш ҳамда назорат килиш;

Ташкилотнинг йиллик дастурини тасдиқлаш;

Ташкилот рамзи ва рамз тўғрисидаги низомини тасдиқлаш;

Ташкилотнинг йиллик бюджетини, даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Ташкилот мол-мулкини бошқариш ҳамда пул маблағлари ва бошқа

мол-мулкидан самарали фойдаланиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ташкилот ҳудудий бўлинмаларини ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш юзасидан қарорлар қабул қилиш;

Ташкилотнинг ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомини тасдиқлаш;

Ташкилот ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни тасарруф қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Ташкилот ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш;

белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш;

халқаро ташкилотларга Ташкилотнинг аъзо бўлиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

Конференцияда иштирок этадиган делегатлар квотасини белгилаш;

аъзолик бадаллари миқдорини белгилаш;

мазкур Уставга риоя қилмаган аъзоларни мажбурий тартибда аъзоликдан чиқариш;

Бошқарув раиси маълум сабабларга кўра, ишдан кетган ҳолларда (касаллиги, бошқа ишга ўтганлиги ва бошқа) навбатдан ташқари Конференция чақирилгунга қадар Бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчини сайлаш;

Бошқарув қонунга зид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга.

Навбатдан ташқари Конференцияни чақириш тўғрисидаги қарор Бошқарув аъзоларининг камидан учдан икки қисми иштирок этганда, оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади;

Бошқарув карорлари Бошқарув аъзолари учун мажбурий хисобланади.

**5.7. Бошқарув раиси Конференция томонидан 5 йил муддатга сайланади.**  
**Бошқарув раиси:**

Ташкилот фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

Конференция ва Бошқарувнинг мутлақ ваколатига киритилмаган бошқа барча масалалар бўйича мустакил қарорлар қабул қиласи ва фаолиятини амалга оширади;

Ташкилот йиғилишларини чақиради, олиб боради ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ташкилот фаолиятини ташкил қилишга кўмаклашади ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ташкилот ходимларининг мансаб йўриқномалари ва вазифалар тасдикотини тасдиқлади;

ходимлар штат жадвали тузилмаси, ходимлар сони ва иш ҳақларини тасдиқлаш;

Ташкилот номидан бошқа шахсларга ишончномалар беради;

Ташкилот номидан Ижрочи директорга Ташкилотнинг жорий фаолиятини амалга ошириш учун ишончнома беради;

худудий бўлинмалар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва эгаллаб турган лавозимидан озод этади;

~~судка~~, давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, юридик ва жисмоний шахслар, халқаро ташкилотлар олдида ишончномасиз Ташкилот номидан иш юритади;

жисмоний ва юридик шахслар билан амалдаги норматив-хукуқий хужжатлар ва мазкур уставга зид бўлмаган шартнома ва битимлар тузади;

Бошқарув тасдиқлаган қарорлар доирасида Ташкилотнинг мол-мулки ва пул маблағларини бошқаради;

Ташкилот номидан барча хужжатларни, шунингдек молиявий хужжатларни имзолайди;

Ташкилотнинг йиллик дастурини ишлаб чикади;

Ташкилотнинг иш режаларини тасдиқлади;

норматив-хукуқий хужжатлар ва мазкур уставга зид бўлмаган бошқа законларни амалга оширади.

Бошқарув раиси ўзига юклатилган мажбуриятларнинг белгиланган тартибда ва сифатли ижро этилиши юзасидан шахсан масъулдир.

5.9. Ташкилотнинг молия-хўжалик ҳамда устав фаолияти устидан назорат килиш мақсадида уч кишидан иборат Назорат-тафтиш комиссияси тузилади.

Назорат-тафтиш комиссияси Конференция томонидан Ташкилот ва унинг бўлинмаларида тафтиш ўтказиш учун уч кишидан иборат таркибда 5 йил муддатга сайланади.

5.10. Назорат-тафтиш комиссияси қўйидаги ҳукуқларга эга:

Ташкилотнинг устав фаолияти, молиявий ҳисоботи ва бюджети бўйича ўз баҳоси ва таклифларини бериш;

Ташкилот раҳбар органларидан бухгалтерия, молия ва бошқа зарур хужжатларни олиш;

Конференцияга Ташкилот, унинг ижро органлари ва таркибий тузилмалари фаолияти, молиявий фаолияти бўйича материаллар тайёрлаш ва тақдим этиш.

Назорат-тафтиш комиссияси ўз фаолияти натижалари тўғрисида факт Конференция олдида ҳисбот беради.

Ташкилот ижро органида ва унинг бўлинмаларида иш ҳақи асосида меҳнат қилувчи бошқарув шахслар Бошқарув ҳамда Назорат-тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

## VI. Ташкилотнинг бўлинмалари



6.1. Ташкилот ўзининг худудий бўлинмаларини ташкил этади ва улар худудий адлия органлари томонидан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

Бўлинмалар ўз фаолиятини мазкур устав ҳамда Ташкилотнинг худудий бўлинмалари тўғрисидаги низоми асосида амалга оширади.

6.2. Ташкилотнинг худудий бўлинмаларини тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуклари уларнинг низомларида батафсил белгиланади.

## **VII. Ташкилотнинг мол-мулки ва пул маблағларини шакллантириш манбалари**

7.1. Ташкилотнинг мол-мулки унинг ҳисобидаги пул маблағлари ва (кўчар ва кўчмас) мол-мулклари, шу жумладан, унинг биноси, иншоотлари ҳамда қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа мол-мулкларидан иборат.

7.2. Куйидагилар Ташкилотнинг мол-мулкини шакллантириш манбалари:

кириш ва аъзолик бадаллари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;

хайрия маблағлари ва грантлар;

фақат уставда белгиланган мақсад ва вазифаларни бажариш учун ишлатиладиган, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромадлар (фойда);  
қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар.

7.3. Ташкилот ўз мажбуриятлари бўйича факат ўзига тегишли бўлган мол-мулк учун жавобгар бўлади. Ташкилот аъзоларининг мажбуриятлари учун ва аъзолари Ташкилотнинг мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди.

## **VIII. Ташкилотни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби**

8.1. Ташкилотни қайта ташкил этиш ёки тугатиш амалдаги қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

8.2. Ташкилотни қайта ташкил этиш Конференция қарори билан уни кўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш йўли билан амалга оширилади.

8.3. Ташкилот фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонун ҳужжатларини бузган тақдирда суд томонидан тўхтатилиб кўйилиши мумкин.

8.4. Ташкилотни тугатиш Конференция ёки суднинг қарорига асосан амалга оширилади.

8.5. Ташкилотни тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган орган рўйхатга олувчи орган билан келишилган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

8.6. Ташкилотни давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан Ташкилотнинг тугатилганлиги ҳакида нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб Ташкилот тугатилган деб ҳисобланади.

8.7. Ташкилотни тугатиш натижасида қолган мулк унинг ходимлари, таъсисчилари ва аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас.

Кредиторлар талаби қондирилгандан сўнг, қолган мол-мулк Ташкилотнинг устав мақсадлари йўлида сарфланади.

## **IX. Якунловчи қоидалар**

9.1. Устав Ташкилот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб юридик кучга киради.

9.2. Уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш Конференция қарори асосида амалга оширилади ҳамда уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

9.3. Ташкилотнинг таъсис ҳужжатларида ўз ифодасини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

9.4. Устав қоидаларини Ўзбекистон Республикаси норматив-хуқукий ҳужжатларига зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас ҳамда уставнинг норматив-хуқукий ҳужжатларга зид тарзда ифода қилинган бандлари хакиқий эмасдир.

Бошқарув раиси

У.С. Хасанов



11 Oct

Leopold